

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 29-30-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (269-270)  
**ТЎПЛАМИ** 2007 й.  
ИЮЛЬ

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

294. «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-кидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 12 июлдаги ўРҚ–101-сон Қонуни
295. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 июлдаги ўРҚ–102-сон Қонуни
296. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлдаги ўРҚ–103-сон Қонуни

297. «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 23 июлдаги ЎРҚ–104-сон Қонуни
298. «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 23 июлдаги ЎРҚ–105-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

299. «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПФ–3897-сон Фармони
300. «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ–672-сон қарори
301. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 июлдаги ПҚ–674-сон қарори
302. «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 24 июлдаги ПҚ–675-сон қарори

*Учинчи бўлим*

304. «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарори
305. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 июндаги ПҚ–649-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 147-сон қарори
306. «Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 июлдаги 148-сон қарори
307. «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

308. «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1697-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
309. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 18 июлдаги 132-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 192-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
310. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 15 июндаги 65-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 977-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
311. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 70, 2007-41-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- + 312. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 71, 2007-42-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1109-8-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*) -
313. ««Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, Ум-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 19 июлда 1698-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
314. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37, 74-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 23 июлда 1699-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 14 июлдан 27 июлгача бўлган маълумот

—

+

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**294** Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида\*Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 17 апрелда қабул қилинганСенат томонидан 2007 йил 29 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда, № 12, 660-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **31-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **29-банд** билан тўлдирилсин:

«29) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини текинга топшириш ва (ёки) олишдан, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар (фойда) бўйича»;

2) **71-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **37-банд** билан тўлдирилсин:

«37) телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ва уларга хизмат кўрсатишга доир хизматларнинг қиймати»;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) ваколатли органнинг ёзма тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертифицикатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинадиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситалари»;

3) **92-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситаларининг».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Бож тарифи тўғрисида**»ги 470–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **33-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ваколатли органнинг ёзма тасдиғи бўлган тақдирда, телекоммуникациялар операторлари ва тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини сертификатлаштириш бўйича махсус орган томонидан олинadиган тезкор-қидирув тадбирлари тизими техник воситалари».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 12 июль,  
ЎРҚ–101-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**295** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 22 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **тўққизинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш»;

2) қуйидаги мазмундаги **етмиш иккинчи** ва **етмиш учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Микрокредит ташкилотлари фаолияти».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 17 июль,  
ЎРҚ-102-сон

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 18 июлда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**296 «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2006 йил 21 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципларига қатъий риоя қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ваколатлари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби мазкур комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган низоми билан белгиланади.

Умумий юрисдикция судларининг фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган: умумий юрисдикция судларини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш, уларнинг фаолияти учун зарур шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади; суд қарорларини ижро этиш ишларини ташкил қилади.

Хўжалик судлари фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилади»;

2) **35-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят, Тошкент шаҳар судлари раисининг ўринбосари йўқлигида унинг ваколатлари Умумий юрисдикция судлари судьяларининг олий малака ҳайъати қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин»;

3) **40-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 21 июлда эълон қилинган.

Ҳарбий ҳайъат раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосаридан, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади»;

4) **53-модданинг:**

**ўн учинчи хатбошидаги** «ҳамда Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати таркиби ва раиси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясига тақдимномалар киритади»;

5) **59-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоят, Тошкент шаҳар хўжалик суди раисининг ўринбосари йўқлигида унинг ваколатлари Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати қарори билан судьялардан бири зиммасига юклатилиши мумкин»;

6) **63-модданинг:**

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади.

Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади»;

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

7) **71-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан судьяларнинг тегишли малака ҳайъати қарори билан қуйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин, агар»;

8) **72-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбе-

кистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосасига асосан киритиладиган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади»;

9) **74-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди Пленуми томонидан» деган сўзлар «хўжалик судлари судьяларининг конференциясида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда) **2-бандининг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ҳарбий ҳайъати лавозим бўйича Ҳарбий ҳайъат раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосаридан, Ҳарбий ҳайъат раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 323–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 23-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Судьялар олий малака ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари орасидан сайланади.

Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати раиси Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари судьяларининг конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьялари орасидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари лавозимларига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари раислари ҳисобланади»;

2) **8-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«8. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раиси судьяларнинг малака ҳайъати фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ҳамда судьяларнинг малака ҳайъати зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. Ҳайъат раиси йўқлигида унинг вазифасини судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раиси ўринбосари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьялар малака ҳайъатлари раисларининг судья кадрлар билан олиб борилаётган ишларнинг аҳволи ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида судья кадрларнинг захирасини шакллантириш ва уларни танлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳамда бошқа йўсиндаги қондабузарлик фактлари

аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати раисини эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритишга ҳақли»;

3) **9-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини ташкилий-техника жиҳатидан таъминлашни, аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олишни, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишни тегишли суд раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган судьялар малака ҳайъати котиби амалга оширади»;

4) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялик лавозимларига захирада турган шахсларни белгиланган тартибда ўқитишни ҳам ташкил этади»;

5) **12-модда** қуйидаги мазмундаги **8<sup>1</sup>-банд** билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>) судьялик лавозимларига захирада турган шахсларни белгиланган тартибда ўқитишни ташкил этади»;

6) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Ваколат муддати тугаётган судьяларга нисбатан уларнинг номзодини янги муддатга кўрсатиш тўғрисидаги масала судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади. Судьялар малака ҳайъатларининг мазкур шахсларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги хусусидаги ҳамда уларни янги муддатга тайинлаш мумкинлиги ҳақидаги қарори уларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади»;

7) **47-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошисидаги** «туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар» деган сўзлар «туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан алмаштирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосасига асосан киритиладиган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан илгари тугатилади»;

8) **48-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«48. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги тақдимномани судьяларнинг тегишли малака ҳайъатига киритиш ҳуқуқига эга»;

9) **VII бўлим** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«VII. Судьялик лавозимларига номзодлар захирасини  
шакллантириш ва номзодларни танлаш**

51. Судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш энг яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар — судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари орасидан судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади, ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган лавозимлар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялигига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини шакллантириш Судьялар олий малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъати томонидан амалга оширилади.

52. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялигига (хўжалик судлари раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзоди кўрсатилаётган шахслар бундан мустасно) номзодлар захирасини шакллантириш учун судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари ўзини судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки бўшаб қолган муайян судьялик лавозимида қўйилиш истагини билдирган шахслардан аризалар қабул қилади. Мазкур судларнинг судьялигига номзодлар захирасига йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин. Судланган шахслар судьяликка номзодлар захирасига қабул қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялигига, хўжалик судларининг раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига номзодлар захирасини, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьялигига номзодлар захирасини шакллантириш «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 61-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан амалга оширилади.

Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий юридик маълумот тўғри-

сидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, охириги иш жойидан тавсифнома илова қилинади.

53. Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисида ушбу Низомнинг 52-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда берилган аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига шикоят қилиниши мумкин.

54. Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олишни, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишни судьялар малака ҳайъати котиби амалга оширади.

55. Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва шахсий фазилатлари ўрганилишини ташкил этади ҳамда материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай малака имтиҳонлари ўтказилади, мазкур имтиҳонларнинг натижаларига кўра судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки захирага киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари мажлисларида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларининг, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг, ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари иштирок этишлари мумкин, улар судьялик лавозимига номзодларнинг ҳар бири хусусида ўз фикрини билдиришга, судьялар малака ҳайъатининг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса ўз фикрини ёзма равишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборишга ҳақлидир.

Судьяликка номзодлар захирасига киритилган шахсларга тааллуқли маълумотлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборилади.

56. Судьяликка номзодлар захирасига киритилиши рад этилган шахс бир йил муддат ўтганидан сўнг тегишли ариза билан такрор мурожаат қилиши мумкин.

57. Судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяликка номзодлар захирасида турган ҳамда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг судьялари, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимларига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида амал қилади.

58. Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда, судьяликка номзодлар захирасида турган шахслар бу ҳақда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан хабардор қилинади. Бунда ушбу Низомнинг 57-моддасида назарда тутилган судьялик лавозимига номзоди биринчи марта кўрсатилаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида

махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификатга эга бўлган тақдирдагина хабардор қилинадилар.

Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширадилар, мазкур имтиҳон натижаларига кўра судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

59. Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьяликка номзодлар захирасида турган шахсларнинг судьялик лавозимига лаёқатлилиги даражасини судларнинг ихтисослашувини инobatга олган ҳолда, имтиҳон қабул қилиш йўли билан баҳолайди. Бунда уларнинг меҳнат фаолияти, шахси ва дунёқараши эътиборга олинади.

Судьяларнинг малака ҳайъати бўш бўлган судьялик лавозимига тавсия этилган камида икки нафар номзодга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига юборади.

59<sup>1</sup>. Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига сайлаш ёки тайинлаш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан амалга оширилади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади».

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 июль,  
ЎРҚ-103-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**297 Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 27 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 918–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда, № 12, 413-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда:**

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «корхоналарнинг облигациялари» деган сўзлар «корпоратив облигациялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи — тўққизинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корпоратив облигацияларни фақат очиқ акциядорлик жамиятлари:

аудиторлик ташкилотининг хулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги микдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил рейтинг баҳосини олган бўлса;

инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўланиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажарувчи тижорат банклари иштирокида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар ўз эгаларига очиқ акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор очиқ акциядорлик жамиятининг бошқарув органи томонидан ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корпоратив облигацияларни эмитентларнинг устав фондиди шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек эмитентларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади»;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 24 июлда эълон қилинган.

2) **11-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «корхоналарнинг облигацияларини» деган сўзлар «корпоратив облигацияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **32-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ёпиқ акциядорлик жамияти облигацияларни жойлаштиришга ҳақли эмас»;

2) **65-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига қирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш»;

**ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **74-моддаси учинчи қисмининг учинчи жумласи** қуйидаги мазмундаги **жумлалар** билан алмаштирилсин:

«Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади»;

4) **82-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи** ва **ўн учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш»;

**ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбошилари** тегишинча **ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) қуйидаги мазмундаги **110<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«110<sup>1</sup>-модда. Ички аудит хизмати**

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилиши-

ни, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади;

6) **111-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **16-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди»;

2) **58-модданинг «с» банди** «суммалари, шунингдек» деган сўзлардан кейин «ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш тарзида олинган даромадлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **71-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «ва сақлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик ширкатлари тўғрисида**»ги 308–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда) **26-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган ширкатларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган

«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 310–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «облигациялар ҳақини тўлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **28-модда** чиқариб ташлансин;

3) **30-модда иккинчи қисмининг:**

**ўн биринчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **38-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамиятнинг уставида жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатлари жумласига жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик қўриш, уни чақариш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш киритилиши назарда тутилиши мумкин»;

5) қуйидаги мазмундаги **45<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«45<sup>1</sup>-модда. Ички аудит хизмати**

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади»;

6) **46-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади»;

7) **47-модда** чиқариб ташлансин;

8) **48-модда биринчи қисмининг:**

**еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

саккизинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча еттинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 июль,  
ЎРҚ-104-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 298 Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида \*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 13 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **15-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларининг**, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **7-моддасининг иккинчи қисми ва 9-моддасининг олтинчи қисмидаги** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларига тааллуқли нормаларнинг амал қилиши 2008 йил 1 январгача тўхтатиб турилсин.

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 24 июлда эълон қилинган.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон килинган кундан эътиборан кучга киреди.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 июль,  
ЎРҚ-105-сон

—

+

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **299** Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Очиқ савдоларда хусусий мулк этиб сотиладиган корхоналар ва объектлар рўйхатини кенгайтириш, бунда халқаро амалиётда қабул қилинган нормаларга риоя этиш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус чекланган ҳуқуқи (кейинги ўринларда — «олтин акция») жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи («олтин акция») ҳар бир алоҳида ҳолатда стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамда республиканинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган давлат корхоналарини хусусийлаштириш ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини хусусий мулк этиб сотишда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорига асосан жорий этилади;

«олтин акция» устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ошмайдиган акциядорлик жамиятларида жорий этилиши мумкин;

«олтин акция» қийматга эга эмас, бировнинг ихтиёрига ўтказилмайди ва гаровга топширилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни қўшишда ҳисобга олинмайди;

акциядорлик жамиятларида «олтин акция»ни жорий этишда белгиланган тартибда давлат вакиллари тайинланади, улар акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши таркибига киради ва акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашишлари шарт.

3. Белгилаб қўйилсинки, «олтин акция»га эгалик қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан вакил қилинган орган (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси)га, зарур ҳолларда акциядорлик жамиятлари бошқарув органларининг қўйидаги қарорларига «вето» қўйиш ҳуқуқини беради:

акциядорлик жамиятининг уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида ёки акциядорлик жамиятининг уставини янги таҳрирда тасдиқлаш ҳақида;

акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдорини ўзгартириш тўғрисида;

акциядорлик жамиятининг асосий фаолият йўналишларини ўзгартириш ҳақида;

акциядорлик жамияти томонидан йирик битимлар ва замирида манфаатдорлик ётган битимлар тузиш тўғрисида;

акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида қатнашуви ҳақида;

акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ёки тугатиш, тугатиш бўйича комиссия тайинлаш тўғрисида ҳамда оралиқ ва узил-кесил тугатиш баланслари тўғрисида.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда давлат томонидан акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 июль,  
ПФ-3897-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**300 2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Муҳим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайтириш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

давлат активлари очик савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати, 1-иловага\* мувофиқ;

Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан давлат акциялари пакетлари, жумладан назорат пакетлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортбop маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шarti билан очик савдоларда сотилиши лозим бўлган иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятларининг рўйхати, 2-иловага\* мувофиқ;

барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шarti билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан қурилиши тугалланмаган корхона ва объектлар рўйхати, 3-иловага\* мувофиқ.

\* 1—3-иловалар берилмайди.

Давлат тендер комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси иштирокида 1-иловага киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш натижаларига кўра, инвесторлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шarti билан уларни бепул сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кеигаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1—3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ва бошқа давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқласин ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 1-2-иловаларга киритилган корхоналарнинг аввал хўжалик бошқаруви органлари (акциядорлик ва холдинг компаниялари) устав жамғармаларига берилган акциялари давлат пакетларини сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли қарор қабул қилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ—3897-сонли Фармонида мувофиқ берилган «олтин акция»ни жорий этиш бўйича ҳуқуқни пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноатининг хусусийлаштириладиган корхоналарига, «Тошкент трактор заводи» ОАЖга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган корхоналарни хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини («олтин акция») бошқаришда давлатнинг иштирок этишига оид махсус ҳуқуқни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклифларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки:

бепул берилган давлат мулки объектлари бўйича мулк ҳуқуқи тўғрисидаги давлат ордери инвесторлар ўз зиммасига олган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ва (ёки) хизматлар кўрсатишни бошлашни кўзда тутувчи инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг берилади;

инвесторларнинг корхона ва объектларни хусусийлаштиришда ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, тузилган олди-сотди шартномалари ўрнатилган тартибда бекор қилинади ва кейинчалик улар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шarti билан янги хусусий мулкдорларга сотилади.

4. Давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан эркин алмаштириладиган валютада пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисоб рақамига ўтказилишини ва мажбурий тарзда сотилмаслигини кўзда тутувчи тартиб жорий этилсин.

Бунда инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағ ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, шунингдек, инвестиция даври мобайнида тузиладиган олди-сотди шартномасига мувофиқ корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди.

5. Давлат тендер комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўми-

тасига аввал қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ сотилган ва инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмагани туфайли олди-сотди шартномаси бекор қилинган давлат активларини савдога такроран қўйишга рухсат этилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси (Р. Азимов) мазкур қарорнинг 1 ва 2-иловаларига киритилган корхоналарни хусусийлаштириш яқунлари бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари юкланган ҳолда (уларнинг давлат акциялари пакети олди-сотди шартномасига мувофиқ ижро этилиши даврида) потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилишни кўриб чиқсин ва улар юзасидан қарорлар қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги «2006 — 2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида»ги ПҚ-407-сонли қарорининг 1, 2 ва 3-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

— **Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

+

Тошкент ш.,  
2007 йил 20 июль,  
ПҚ-672-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **301 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Украина Вазирлар Маҳкамаси ўртасида 2007 йил 26 апрелда Тошкент шаҳрида имзоланган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 23 июль,  
ПҚ-674-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **302 «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

«ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида автомобилларининг янги моделларига талабни ва уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш истикболларини ўрганиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг:

седан «Шевроле Эпика» (ДЭУ «Тоска») 1008 дона, йўлсиз жойларда юра оладиган «Шевроле Каптива» (ДЭУ «Винсторм») — 696 дона, минивэн «Шевроле Такума» (ДЭУ «Реззо») — 888 дона янги автомобиллар моделларининг йирик блокли ишлаб чиқаришини ташкил этиш тўғрисидаги;

мазкур автомобиллар янги моделлари тақдимотини Ўзбекистонда 2007 йилнинг 13-14 сентябри мобайнида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ушбу автомобилларнинг янги моделларини ишлаб чиқариш ва сотишдан «ЎзДЭУавто» АЖ оладиган даромад мамлакатимиз автомобиль тармоғини ривожлантириш бўйича янги лойиҳаларни молиялаштириш учун «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг жамғариб бориладиган махсус ҳисоб рақамига йўналтирилади.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Ўзбекистонда чуқур технология бўйича биринчи босқичда седан «Шевроле Эпика» (ДЭУ «Тоска») модели, иккинчи босқичда йўлсиз жойларда юра оладиган «Шевроле Каптива» (ДЭУ «Винсторм») моделини sanoat кўламида ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи юзасидан «Женерал Моторс ДЭУ Авто ва Технологиялар» компанияси билан музокаралар ўтказсин.

4. «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятининг янги моделлар ишлаб чиқариш учун йирик блокли бутловчи қисмларни импорт қилишга сарфланадиган валюта харажатларини қоплашни таъминлаш учун ички бозорда мазкур моделдаги автомобилларнинг 50 фоизгача қисмини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, республика тижорат банклари томонидан чиқарилган пластик карточкалар ёрдамида мижозларнинг валюта ҳисоб рақамларидан хорижий валютага сотишга рухсат берилсин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

5. «Женерал Моторс ДЭУ Авто ва Технологиялар» компанияси билан тузилган тегишли шартномаларга асосан «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамияти томонидан олиб келинадиган умумий миқдори 2592 дона «Шевроле Такума», «Шевроле Эпика» ва «Шевроле Каптива» (ТН ТИФ коди 8703) автомобилларини йиғиш учун иловада\* кўрсатилган бутловчи қисмлар ва узеллар божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.С. Санақулов ва Р.С. Азимов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 июль,  
ПҚ-675-сон

—

+

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAHQKAMASINING  
QARORI

### **304 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ёш оилаларга бериш учун мўлжалланган уй-жойларнинг қатъий ҳисобини олиб борсинлар ҳамда уй-жойларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги, ёш оилаларнинг уй-жой бериш тўғрисидаги аризалари ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилиши устидан назоратни амалга оширсинлар;

ёш оилаларга уй-жойлар беришда қонун ҳужжатлари ва кўрсатиб ўтилган Низом талабларига қатъий риоя этилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, вазирликлар, идоралар, давлат муассасалари ва ташкилотлари фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарнинг улар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун квартиралар ташкил этиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига фойдаланиш учун берилишини ёки уларнинг балансига ўтказилишини таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 17 июль,  
144-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 17 июлдаги 144-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар  
ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча  
фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли  
уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналарни, уй-жойларни ҳамда кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг мақсади учун ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта никоҳдан ўтган эр-хотинлар ёш оилалар деб эътироф этилади.

3. Ёш оилаларга уй-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ва давлат мулки бўлган ётоқхоналардаги, уй-жойлардаги ҳамда кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналардан берилади.

Давлат мулки бўлган ётоқхоналар, агар улар белгиланган тартибда сўнгги олти ой мобайнида эгалланмаган бўлса ёхуд тегишли асосларсиз белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган бўлса вақтинча фойдаланилмаётган деб эътироф этилади.

Давлат мулки бўлган, сўнгги олти ой мобайнида эгалланмаган уй-жойлар (квартиралар) вақтинча фойдаланилмаётган уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар деб эътироф этилади, бундай уй-жойлар белгиланган тартибда вақтинча йўқ бўлган фуқаролар тасарруфида қолдирилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органлари балансида бўлган ва ёш оилаларга бериш учун мўлжалланган уй-жойлар белгиланган мақсадли коммунал уй-жой фондига киритилади ва улар бўйича алоҳида ҳисоб юритилади.

5. Идоравий уй-жой фондидаги фойдаланилмаётган уй-жойлардан фойдаланиш тегишли давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги шартнома асосида амалга оширилади. Бунда уй-жойлар, кейинчалик уларни ёш оилаларга бериш учун белгиланган мақсадли коммунал уй-жой фондига киритган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари балансида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

6. Ушбу Низомга мувофиқ бериладиган уй-жойлар хусусийлаштирилмайди. Ёш оиллага белгиланган мақсадли коммунал уй-жой фондидан уй-жой олиш ҳуқуқи бир марта берилади.

**II. Уй-жойга муҳтож бўлган ёш оилаларни ҳисобга олиш**

7. Ушбу Низомга мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқига уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ва уй-жой олиш учун ҳисобда турган ёш оилалар эгадир.

8. Эр-хотиннинг иккаласи ҳам уй-жой мулкдорлари бўлмаган:

оиланинг бир нафар аъзоси ҳисобига етти квадрат метрдан кам умумий уй-жой майдони билан таъминланган;

уй-жойлар учун белгиланган талабларга жавоб бермайдиган хонада яшаётган; қариндошлик муносабатлари бўлмаган икки ва ундан кўп оилалар билан битта кватирада яшаётган;

оиласи таркибида сурункали касалликнинг оғир шаклига чалинган ва алоҳида кватирада яшашга муҳтож бўлган бемор мавжуд бўлган ёш оилалар уй-жой олиш учун ҳисобга қўйилади. Тегишли касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

9. Агар ёш оила ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган бир нечта асослар бўйича ҳисобда туриш ҳуқуқига эга бўлса, бундай оилалар ўз хоҳишига кўра ушбу асослардан бири бўйича ёки асосларнинг ҳаммаси бўйича ҳисобга қўйилиши мумкин.

10. Эр-хотин уй-жой шароитларининг ёмонлашишига олиб келган, бунинг натижасида ёш оила уй-жойга муҳтож деб эътироф этилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда бундай ёш оила уй-жой шароитларининг ёмонлашишига олиб келган кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар содир этилган кундан бошлаб беш йилдан эрта бўлмаган вақтдан кейин уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйилади.

11. Ёш оилаларни уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйиш туман, шаҳар ҳокимлиги (кейинги ўринларда ҳокимлик деб аталади) томонидан, яшаш жойидаги кўрсатилган органга эр-хотиндан бирининг берган аризаси асосида амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш тўғрисида ариза берган фуқарога ариза олинган сана кўрсатилган ҳолдаги тилхат берилади.

12. Аризалар Уй-жойга муҳтож бўлган ёш оилаларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

13. Тегишли ҳокимликлар томонидан қабул қилинган аризалар Уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан олдиндан кўриб чиқилади, Комиссия ёш оиланинг уй-жой шароитларини ва тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиққандан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда текшириш далолатномаси тузади. Текшириш далолатномасига ва бошқа ҳужжатларга мувофиқ Комиссия ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида хулоса тузади, у ҳокимнинг қарори билан тасдиқланади.

14. Ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берилган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кечикмай ҳокимлик томонидан қабул қилинади.

15. Ҳокимлик тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай ҳисобга қўйиш ёки ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномани ариза берган фуқарога беради ёки жўнатади.

16. Ёш оилани уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобга қўйишни рад этишга, агар: ҳисобга қўйиш учун ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлмаса;

ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳолларда йўл қўйилади.

17. Ёш оилалар қуйидаги ҳолларда:

улар томонидан ҳисобга қўйиш жойи бўйича ҳисобдан чиқариш тўғрисида ариза берилганда;

улар томонидан ушбу Низомга мувофиқ уларга уй-жой олиш ҳуқуқини берувчи асослар йўқотилганда;

улар бошқа аҳоли пунктидаги яшаш жойига жўнаб кетганда;

улар уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун белгиланган тартибда кредитлар ёхуд бошқа маблағлар олишганда;

уларга уй-жой қуриш учун белгиланган тартибда ер участкаси берилганда;

хужжатларда ҳақиқий бўлмаган ва ҳисобга қўйиш учун асос бўлган маълумотлар, шунингдек ҳокимликнинг мансабдор шахслари томонидан ҳисобга қўйиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилгани аниқланганда уй-жойга муҳтож сифатидаги ҳисобдан чиқарилади.

Ёш оилаларни уй-жойга муҳтож сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарор бундай қарорларни қабул қилиш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кечикмай тегишли ҳоким томонидан қабул қилинади. Ёш оилаларни уй-жойга муҳтож сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорларда ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлар албатта кўрсатилган ҳолда бундай ҳисобдан чиқариш асослари мавжуд бўлиши керак. Ёш оилаларни уй-жойга муҳтож сифатидаги ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қарорлар ўзига нисбатан бундай қарор қабул қилинган ёш оиллага мазкур қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай берилади ёки жўнатилади ва унинг юзасидан суд тартибда шикоят қилиниши мумкин.

### III. Уй-жойларни бериш

18. Уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ёш оилаларга уй-жойлар навбат бўйича, бундай оилалар ҳисобга олинган санадан келиб чиққан ҳолда ва тегишли уй-жой майдони мавжудлигига қараб берилади.

Уй-жойларни бериш навбатини аниқлашда ҳисобга қўйилган сана, шарт-шароитлар бир хил бўлган тақдирда эса — уй-жойлар билан таъминланганлик даражаси асосий шарт ҳисобланади.

19. Қуйидагиларга:

уй-жойлари яшаш учун белгиланган тартибда яроқсиз деб эътироф этилган, шунингдек уларни таъмирлаш ёки реконструкция қилиш мумкин бўлмаган;

эр-хотиннинг иккаласи ҳам етим бўлган;

эр-хотиндан биттаси Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида хизматни тугатган ёки озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўташ муассасаларидан қайтиб келган;

ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ сурункали касалликларнинг оғир шаклларида чалинган беморлар билан бирга яшайдиган ёш оилаларга уй-жойлар навбатдан ташқари берилади.

20. Уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган ёш оилаларга уй-жойлар ҳокимнинг қарорлари асосида берилади.

Комиссия томонидан қарор қабул қилингунгача ёш оиланинг уй-жой шароитлари қайтадан ўрганилади ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда текшириш далолатномаси тузилади. Текшириш далолатномасига ва бошқа маълумотларга мувофиқ Комиссия уй-жой бериш тўғрисида хулоса тузади ва уни ҳокимга кўриб чиқиш учун киритади.

Уй-жой бериш тўғрисидаги қарор ўзига нисбатан ушбу қарор қабул қилинган ёш оиллага қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечикмай берилади ёки жўнатилади.

21. Кўп хонадонли уйдаги уй-жойлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

ган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига мувофиқ берилади.

Оилавий ётоқхоналардаги уй-жойлар бир киши ҳисобига камида етти квадрат метрдан кам бўлмаган ҳажмда берилади. Бунда битта оилага битта алоҳида изоляция қилинган хона ёхуд, ётоқхонанинг тузилишига мувофиқ, умумий кириш йўлаги билан бирлаштирилган бир нечта хона берилади.

Бериладиган уй-жой ҳажмини белгилашда ёш оила билан бирга доимий яшайдиган эр-хотиннинг меҳнатга лаёқатсиз ва (ёки) муомалага лаёқатсиз ота-оналари ҳамда қарамоғидаги бошқа шахслар, агар мазкур фуқаролар уй-жойнинг ижарачилари, уй-жой ижарачисининг оила аъзолари, уй-жойнинг мулкдорлари ёки уй-жой мулкдорининг оила аъзолари бўлмаса ва уларнинг ёш оила билан алоҳида яшаши учун асос мавжуд бўлмаса, ҳисобга олинади.

22. Уй-жой бериш тўғрисидаги қарор асосида ҳокимлик ёш оилага белгиланган намунадаги ордер беради, у берилган уй-жойга кўчиб кириш учун асос ҳисобланади.

23. Ордер ҳокимнинг қарорига мувофиқ, уй-жой майдонини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими ёки тегишли ҳоким томонидан тайинладиган махсус ваколатли мансабдор шахс томонидан берилади.

Ёш оилага ордер фақат амалда бўш турган уй-жой учун берилади.

24. Ордерни ёш оиланинг қариндошларига ёки бошқа учинчи шахсларга беришга йўл қўйилмайди.

25. Уй-жойга кўчиб кирилгандан ва рўйхатдан ўтказилгандан кейин ордер ёш оилада сақланади.

26. Ордерни олиш вақтида никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома), шунингдек ордерга киритиладиган оила аъзоларининг ҳаммаси учун ушбу ҳужжатлар ўрнини босадиган бошқа ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

27. Ёш оила учун уй-жойга ордер бериш, агар ёш оиланинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар (ёш оиланинг ҳақиқий таркиби) уй-жой бериш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаса, ҳокимнинг қарори билан тўхтатилиши мумкин.

28. Ёш оилалар учун уй-жойни ва уй-жой учун берилётган ордерларни рўйхатдан ўтказиш тегишли ҳокимликларда амалга оширилади.

29. Ёш оила учун уй-жойга берилган ордер суд тартибида ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

#### IV. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси

30. Ҳокимлик ёхуд унинг томонидан вакил қилинган бошқарувчи ташкилот ва уй-жой берилган ёш оила ўртасидаги ёш оила учун уй-жойни сақлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатлар уй-жой қонунчилиги ҳамда ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича намунавий ижара шартномаси асосида тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

31. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ҳокимлик ёхуд унинг томонидан вакил қилинган бошқарувчи ташкилот ва ёш оиланинг номига ордер берилган аъзоларидан бири ўртасида ёзма шаклда 5 йил муддатга тузилади.

32. Ёш оила учун уй-жойни ижарага бериш шартномаси муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади ва ушбу Низомнинг 31-бандида кўрсатилган муддатда тугайди.

Уй-жойни (оилавий ётоқхоналардаги хоналар бундан мустасно) ижарага бериш шартномаси янги муддатга тузилиши мумкин.

Ижара шартномасини янги муддатга тузиш зарур бўлган тақдирда ёш оила Комиссияга ариза беради, Комиссия аризани кўриб чиққандан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан биргаликда тегишли ҳокимга ёш оила учун уй-жойни ижарага бериш шартномаси қайта тузилиши мумкин бўлган муддат тўғрисида таклиф киритади.

Ҳокимнинг қарори асосида ёш оила учун уй-жойни ижарага бериш шартномаси белгиланган тартибда қайта тузилади.

33. Ижара шартномасини бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34. Томонларнинг уй-жойни ижарага бериш шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда томонларнинг битими билан белгиланади.

## V. Яқуний қоидалар

35. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ижарага олувчиларда ва унинг оила аъзоларида уй-жой, шунингдек ижара шартномаси амал қиладиган муддатда белгиланган тартибда қўриқлаш гувоҳномаси (брон) олиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

36. Ёш оилага ушбу Низомга мувофиқ ижарага берилган уй-жой учун тўлов ундирилмайди. Бунда ёш оила белгиланган тартибда қуйидагилар учун:

— умумий мулкни сақлаш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича умумий харажатлар учун — хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига ёки бошқа бошқарувчи ташкилотга;

— коммунал хизматлар учун — коммунал хизматлар кўрсатувчиларга тўловни амалга оширади.

37. Ёш оила эгаллаб турган уй-жойини фақат айнан ўша уй-жой фондига қарашли уй-жойда яшайдиган ёш оила билан алмаштириши мумкин.

38. Белгиланган нормадан ортиқ уй-жой майдонига эга бўлган ёш оила уй-жойни берган ҳокимликка ўзи эгаллаб турган уй-жойни кичик ҳажмдаги уй-жойга алмаштириш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

39. Ёш оилалар учун уй-жой бериш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ низо-лар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида барпо этилган уй-жойнинг ёш оила томонидан ижарага олиниши  
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ**

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ №\_\_ \_\_\_\_\_  
(аҳоли пунктининг номи)

\_\_\_\_\_ (маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки унинг томонидан ваколат берилган бошқарувчи ташкилотнинг номи)

\_\_\_\_\_ номидан,  
\_\_\_\_\_ асосида иш кўрувчи, кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб юритиладиган ва кейинги ўринларда «Ижарага олувчи» деб юритиладиган фуқаро \_\_\_\_\_ нинг  
(маҳаллий давлат ҳокимияти органининг номи)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарорига мувофиқ берилган \_\_\_\_\_ серияли \_\_\_\_\_ рақамли ордер асосида мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздик:

### I. Шартнома предмети

1. Ижарага берувчи Ижарага олувчига ва унинг оила аъзоларига \_\_\_\_\_ манзилдаги умумий майдони \_\_\_\_\_ кв. м, \_\_\_\_\_ хонадан иборат уй-жойни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган квартирани ижарага бериш далолатномаси (мазкур шартномага илова) бўйича ижарага беради.

### II. Оила аъзолари

2. Мазкур шартномага мувофиқ берилган уй-жойда ижарага олувчи билан бирга қўйидагилар доимий яшайдилар:

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., қариндошлик даражаси)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., қариндошлик даражаси)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., қариндошлик даражаси)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., қариндошлик даражаси)

### III. Томонларнинг мажбуриятлари

3. Ижарага берувчи қўйидагиларга мажбур:

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

уй-жойни Ижарага олувчига техник соз, яшаш учун яроқли ҳолатда тақдим этиш;  
уй-жойни ва ётоқхонани, шунингдек уй-жойнинг техник қурилмаларини уй-жойлардан фойдаланиш қоидалари талабларига мувофиқ бут сақлаш;

коммунал хизматлар ва бошқа хизматлар узлуксиз кўрсатилишини таъминлаш;  
уй-жой ва уйнинг техник қурилмалари, муҳандислик асбоб-ускуналарида пайдо бўладиган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш;

уй-жойлар ва умумий фойдаланиладиган жойларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мукамал таъмирлаш.

4. Ижарага олувчи қуйидагиларга мажбур:

берилган уй-жойдан унинг белгиланган мақсадида ва шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиш;

уй-жой, ёрдамчи хоналар ва асбоб-ускуналардан, уй атрофидаги ҳудуддан, шунингдек умумий фойдаланиладиган жойлардан бошқа фуқаролар ва юридик шахсларнинг уй-жой ҳуқуқларига, бошқа ҳуқуқларига зарар етказмасдан вазифасига кўра фойдаланиш, ташқи ободонлаштириш объектларини эҳтиёт қилиш;

уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

уй-жойларни яхши сақлаш ва уларнинг зарур ҳолатда бўлишини таъминлаш;

уй-жойнинг аниқланган носоз элементлари тўғрисида Ижарага берувчига ўз вақтида маълум қилиш;

авария вазиятлари пайдо бўлганда ўзи эгаллаб турган уй-жойга аварияларни бартараф этиш учун тегишли таъмирлаш-фойдаланиш ташкилотларининг вакиллари киришини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган санитария-гигиена, экологик, архитектура-шаҳарсозлик, ёнғинга қарши ва фойдаланиш талабларини бажариш;

коммунал хизматлар ҳамда уй ва умумий фойдаланиладиган мол-мулк таъминоти учун тўловни ўтган ойдан кейинги ойнинг 10-қунидан кечикмай тўлаш;

ижара шартномаси муддати тамом бўлгандан кейин эгаллаб турган уй-жойни бўшатиб қўйиш ва уни зарур техник ҳолатда топшириш;

никоҳ бекор қилинган тақдирда суд (ФХДЁ) қарори қабул қилингандан сўнг 10 кун мобайнида бундан хабардор қилиш.

#### IV. Томонларнинг ҳуқуқлари

5. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага олувчидан уй-жойдан фойдаланиш қоидаларига риоя этишни талаб қилиш;

Ижарага олувчидан коммунал хизматлар ҳамда уй ва умумий фойдаланиладиган мол-мулк таъминоти учун тўловлар мазкур шартноманинг 4-банди тўққизинчи хатбошида назарда тутилган муддатларда тўланишини талаб қилиш;

уй-жой ва ёрдамчи хоналарнинг конструкциялари ва техник қурилмалари ҳолатини кўздан кечириш;

Ижарага олувчи ва у билан бирга яшайдиган шахслар уй-жойни бузса ёки ундан бошқа мақсадларда фойдаланса, ёхуд яшаш қоидаларини мунтазам равишда бузган ҳолда бошқа шахсларнинг ўзлари билан битта квартирада ёки битта уйда бирга яшашини мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтирса ва бунда огоҳлантириш ва жамоатчилик таъсири кўрсатиш чоралари натижасиз тугаса, уларни бошқа уй-жой бермасдан суд тартибида кўчириб юбориш;

агар ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган шахсларнинг уларга нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган болалар билан бирга яшаши мумкин эмасли-

ги эътироф этилган бўлса, бундай шахсларни бошқа уй-жой бермасдан суд тартибда кўчириб юбориш.

6. Ижара олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижарага берувчининг розилиги билан оила аъзоларини кўчириб келтириш. Ёш оилаларга мўлжалланган уйларда ижарага олувчи билан доимий равишда бирга яшайдиган эр-хотин ва уларнинг болалари уй-жойни ижарага олганнинг оила аъзолари деб ҳисобланади. Эр-хотиннинг ота-оналари, агар улар илгари бу ҳуқуқни қўлга киритмаган бўлса, фақат ўзаро розилик бўйича Ижарага берувчининг оила аъзолари деб эътироф этилиши мумкин. Агар бу, уй-жойда яшаётган ёш оилалар учун уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёж сезувчи фуқаролар, шунингдек уй-жойнинг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган ҳажмда ўз турар жойига эга бўлиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар сифатида эътироф этилишига олиб келса, шартномага бошқа фуқароларнинг киритилишига йўл қўйилмайди;

вақтинча бўлмаган вақтида қонунда назарда тутилган тартибда уй-жойга бўлган ҳуқуқни ўзида сақлаб қолиш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида муҳофаза гувоҳномаси (брон) олган ҳолда уй-жойни брон қилиш;

зарурият бўлганда квартиранинг, уйнинг конструкциялари ва техник қурилмалари режадан ташқари текширилишини, аниқланган қонидани бузилишлар бартараф қилинишини талаб қилиш;

Ижарага берувчининг мажбуриятларига кирадиган квартира элементларини таъмирлаш кечиктирилмаслиги зарур бўлганда, бу ҳақда Ижарага берувчини ёзма равишда хабардор қилгандан кейин уни амалга ошириш ва ушбу ишлар қийматини Ижарага берувчидан ундириб олиш;

ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар Ижарага берувчи томонидан бажарилмаган тақдирда умумий мулкни сақлаш, унга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш;

эгаллаб турган уй-жойни ёш оилаларга мўлжалланган уйлардаги фақат ана шундай уй-жойга бегиланган тартибда алмаштириш.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

7. Ижарага берувчи мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ижарага олувчига тўлайди.

8. Ижарага олувчи мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур тарзда бажарилмаганлиги натижасида етказилган зиённи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ижарага берувчига тўлайди.

## VI. Алоҳида шартлар

9. Мазкур шартнома бўйича ижарага берилган уй-жой хусусийлаштирилмайди.

10. Мазкур шартнома муддати тамом бўлгандан кейин Ижарага берувчи янги муддатга уй-жой ижараси шартномаси тузиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (оилавий ётоқхоналардаги уй-жойлар бундан мустасно).

11. Ижарага олувчи оиланинг вояга етган аъзолари ва у билан доимий равишда бирга яшайдиган фуқаролар розилиги билан уч ой олдин Ижарага берувчини ёзма равишда огоҳлантириб мазкур шартномани исталган вақтда бекор қилишга ҳақлидир.

### VII. Шартнома муддати, уни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби

12. Мазкур шартнома беш йил муддатга тузилган ва 200\_\_ й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ гача амал қилади.

13. Ижарага олувчининг вояга етган оила аъзолари ва у билан доимий равишда бирга яшайдиган фуқаролар Ижарага берувчини хабардор қилиб Ижарага олувчи билан уй-жойда доимий равишда бирга яшайдиган барча фуқаролар Ижарага берувчи олдида Ижарага олувчи билан биргаликда жавоб бериши ва биргаликда ижарага олувчилар ҳисобланиши тўғрисида Ижарага олувчи билан шартнома тузишлари мумкин.

14. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро розилиги билан бекор қилиниши мумкин ва Ижарага олувчи уй-жойдан чиқиб кетган кун шартнома бекор қилинган кун ҳисобланади.

15. Мазкур шартнома қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда томонлардан исталганининг талаби билан суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

### VIII. Яқунловчи қоидалар

16. Мазкур шартномани бажариш пайтида томонлар ўртасида пайдо бўлган низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

17. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

18. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ҳамда Ижарага берувчида ва Ижарага олувчида сақланади.

### IX. Томонларнинг имзолари ва реквизитлари

Ижарага берувчи	Ижарага олувчи
_____	_____
(номи ва юридик манзили)	(Ф.И.О. ва манзил)
_____	_____
_____	_____
(банк ҳисоб рақами, банк муассасаси номи)	_____
_____	_____
(мансабдор (ваколатли) шахснинг Ф.И.О. ва имзо)	(имзо)
М.Ў.	

Вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар,  
уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш  
турган хоналар негизида барпо этилган уй-  
жойнинг ёш оила томонидан ижарага  
олиниши намунавий шартномасига  
ИЛОВА

### Квартирани Ижарага олувчига топшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(аҳоли пунктнинг номи)

Бизким, \_\_\_\_\_  
(маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки унинг томонидан ваколат берилган бошқарувчи ташкилотнинг номи)

\_\_\_\_\_ номидан, Ижарага берувчининг топшириғи  
бўйича иш кўрувчи Ижарага берувчининг вакили \_\_\_\_\_  
(лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

ва \_\_\_\_\_ нинг  
(маҳаллий давлат ҳокимияти органининг номи)

200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон қарорига мувофиқ берилган \_\_\_\_\_  
серияли \_\_\_\_\_ рақамли ордер асосида иш кўрадиган фуқаро  
\_\_\_\_\_

(фамилияси, исми, отасининг исми)

томонидан \_\_\_\_\_ манзилидаги \_\_\_\_\_ қаватдаги \_\_\_\_\_ -квартирани

(ётоқхонадаги уй-жой, квартира эканлиги кўрсатилиши зарур)

Ижарага берувчининг вакили топширганлиги, Ижарага олувчи эса қабул қил-  
ганлиги тўғрисида мазкур далолатнома тузилди.

Квартира (уй-жой) \_\_\_\_\_ хонадан иборат, умумий майдони \_\_\_\_\_ кв. м, шу  
жумладан:

ошхона	_____	кв.м;
ювиниш хонаси	_____	кв.м;
ҳожатхона	_____	кв.м;
(биргалиқдаги) йўлак (холл)	_____	кв.м;
деворга ўрнатилган жавонлар (буюм сақланадиган жойлар)	_____	кв.м;
болохона айвони	_____	кв.м;
айвон	_____	кв.м;
пешайвон	_____	кв.м;
турар жой майдони	_____	кв.м.

Квартира сув таъминоти (совуқ, иссиқ сув), канализация, иситиш (марказий,  
маҳаллий), электр нури билан ёритиш, радиотрансляция тармоғи билан жиҳозлан-  
ган, телефон ўрнатилган (мавжуд эмасларининг устидан чизилсин).

Квартиранинг ёрдамчи хоналарида \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ жиҳозлари ўрнатилган.

Хоналарнинг техник ҳолати \_\_\_\_\_

(хоналарнинг техник ҳолати акс эттирилади)

**Ижарага берувчининг вакили**

(Ф.И.О., муҳр билан тасдиқланган имзо)

**Ижарага олувчи**

(Ф.И.О., имзо)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****305 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.С. Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 июль,  
147-сон

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 19 июлдаги 147-сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 1-модда) билан тасдиқланган Ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати тўғрисидаги низомнинг 8-бандида:

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ер қаъри участкаларидан фойдаланишнинг лицензияларда, ер қаъри участкалари махсулот тақсимотига оид битим шартларида берилганда эса — махсулот тақсимотига оид битимларда белгиланган шартларига риоя қилган ҳолда».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарориди:

а) Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун кон ажратмалари бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

I бўлимнинг 6-бандида:

биринчи хатбошидаги биринчи жумла қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат кўламида кавлаб олиш кон ажратмаси бермасдан (нефть ва газ конларидан ташқари) геологик жиҳатдан ўрганишни ўтказиш муддатига, бироқ 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга бериладиган лицензия ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган ва кон муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги махсус ваколатли органлар билан келишилган лойиҳа асосида амалга оширилади»;

иккинчи хатбошидаги биринчи жумла қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Нефть ва газни тажриба-саноат кўламида кавлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан уч йилдан кўп бўлмаган муддатга бериладиган лицензия ҳамда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан бериладиган кон ажратмаси асосида амалга оширилади»;

б) Фойдали қазилмаларни кавлаб олишда ер қаърини муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари I бўлимида:

7-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат кўламида кавлаб олиш лицензия асосида, кон ажратмаси бермасдан (нефть ва газ конларидан ташқари), фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ишга туширишнинг оқилона усуллари ва методларини танлаш, шунингдек техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш мақсадида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

Тажриба-саноат кўламида кавлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган мустақил лойиҳа бўйича амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 5 февралдаги 26-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 6-банди ўн тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш (чиқиндиларни сақлаш ва қўмиш мақсадида ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун лицензиялардан ташқари), алоҳида қўриқланадиган геологик объектлар ҳосилаларидан фойдаланиш ҳамда товланадиган тош хом ашё, палеонтологик қолдиқлар намуналарини тўплаш ҳуқуқини берувчи лицензияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда беради».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**306** Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 26 февралдаги ПФ–3857-сон Фармониға ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 февралдаги ПК–594-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 июль,  
148-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 19 июлдаги 148-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида қўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалға оширилади»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги «маблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

2. 4-банддаги «2008 йил 1 январгача» сўзлари 2010 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

3. 5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ғазна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно)»;

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — бюджет ташкилотларининг Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар харажатларига ҳақ тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно)»;

учинчи — бешинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошидаги «маҳаллий» сўзи «тегишли» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Қўйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд қўшилсин:

«6<sup>1</sup>. Йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт даври этиб белгилансин, ушбу давр мобайнида Давлат бюджетининг ўтган йилги ғазна ижроси амалга оширилади.

Қўшимча вақт даврида молия органлари, Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек бюджет ташкилотлари томонидан ҳисобот йили Давлат бюджетини ижро этиш операциялари амалга оширилади, шу жумладан:

бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар тартибга солинади;

бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги кредиторлик қарзлари тўланади;

тежаб қолинган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;

Давлат бюджетини ижро этиш юзасидан бошқа операциялар амалга оширилади.

5. 9-банднинг учинчи хатбошига «гуруҳлари» сўзидан кейин «ва моддалари» сўзлари қўшилсин.

6. Қарорга иловада:

а) илова номидаги «маблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг мазкур тартиби қўйидагиларни назарда тутати:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмни содалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият туриға кўра) бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)нинг янги

тартибини жорий этиш, ғазна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалга ошириладиган бюджет ташкилотлари бундан мустасно;

Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;

бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш»;

в) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Давлат мудофаа қобилятини, хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатда ички тартибни сақлаш ва бошқалар билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш (тўлаш) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади»;

г) 4-бандга қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотларининг харажатлари Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ягона ғазна ҳисоб рақамидан, шунингдек юқорида кўрсатилган харажатлар гуруҳларининг ҳар бир моддаси бўйича ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамидан амалга оширилади»;

д) 5-банддаги «мблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-бандга қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Халқ таълими муассасалари бўйича харажатлар сметаси ва штатлар жадвали ҳудудий молия органлари билан биргаликда тузилади»;

ж) 9-банддаги «мблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 10-бандга қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига киритиладиган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда албатта Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади»;

и) 11-бандда:

«мблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Ягона ғазна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий ғазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдоридан учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга рухсат этилади»;

к) 12-бандга қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Ғазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади»;

м) 13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «мблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Бюджет ташкилотлари харажатларини:

республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифомаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) — тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинлаш сертификати ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Фазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

республика бюджетидан — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

Қорақалповистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан — Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади»;

н) 15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда (тўлашда) янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 январидagi ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воситаларни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади»;

о) 16 ва 17-бандларда «маблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. IV гуруҳ ҳисобига автомобиллар ва бошқа автотранспорт воситаларини (махсус автотранспорт бундан мустасно), уяли телефонлар ва зеб-зийнат буюмлари (импорт офис мебели, аудио-видео техника (ўқув, илмий ва тиббий жараёнларда фойдаланиладиганлардан ташқари) офислар учун гиламлар ва бошқалар) харид қилишга фақат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда йўл қўйилади, кўрсатиб ўтилган моддий активларни сотиб олишга маблағлар иқтисодий таснифоманинг тегишли моддаси бўйича бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

р) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22. Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва мазкур Тартиб талабларига мувофиқ сарфланади;

Фазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охир-

ги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади ва ундан мазкур Тартиб талабларига мувофиқ фойдаланилади;

Тежаб қолинган бюджет маблағларини ўтказиш бюджет ташкилотлари томонидан юридик ва молиявий мажбуриятлар олинмаган бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ҳисобот чорагидан кейинги ой мобайнида амалга оширилади»;

с) 23-банддан «(фойдаланилмаган)» сўзи чиқариб ташлансин;

т) 25-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси:

разна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари бўйича — режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

разна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича — ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Фазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал қўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно);

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи. Маблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказадилар;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади»;

у) 32 ва 33-бандлар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«32. Юридик шахс мақомини олган бюджет ташкилотлари белгиланган тартибда ҳисобга турадилар ва бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларига молия ва статистика ҳисоботи тақдим этадилар.

33. Бюджет маблағларидан фойдаланилишини назорат қилиш бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини тўлаш бошлангунгача бюджет маблағлари бўйича (дастлабки назорат), харажатларни бюджетдан молиялаштириш (тўлаш) жараёнида (жорий назорат) ва бюджет ташкилоти тегишли харажатларни қилгандан кейин (кейинчалик назорат қилиш) амалга оширилади»;

ф) 35-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан дастлабки ва жорий назоратни амалга оширади»;

х) 36-банднинг тўртинчи хатбошида «маблағ билан таъминлаш» сўзлари «харажатларини молиялаштириш (тўлаш)» сўзлари билан алмаштирилсин;

ц) 38-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилиши керак бўлган тежаб қолинган бюджет маблағлари суммасини нотўғри аниқлаш».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ  
ҚАРОРИ**307 Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хусусийлаштирилган пахтани қайта ишлаш ва ёғ-мой саноати корхоналари бўйича давлат вакилларини тайинлаш учун номзодлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

3. Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси (Р.С. Азимов) Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

вазирликлар ва идораларнинг ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорға мувофиқлаштиришини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 24 июль,  
151-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда  
иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан  
фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПФ-3897-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус ҳуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик тармоқларнинг хусусийлаштириладиган айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи (кейинги ўринларда «олтин акция» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарори асосига кўра жорий этилади.

3. «Олтин акция» устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки бу улуш 25 фоиздан ортиқ бўлмаган акциядорлик жамиятларида Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда «Давлат тендер комиссияси» деб аталади) қарори билан белгиладиган муддатга жорий этилади.

4. «Олтин акция» қийматга эга эмас, бировнинг ихтиёрига ўтказилмайди ва гаровга қўйилмайди, устав фонди миқдорини белгилашда ва дивидендларни қўшишда ҳисобга олинмайди.

5. «Олтин акция» акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибига давлат вакилини (кейинги ўринларда давлат вакили деб аталади) тайинлаш йўли билан амалга оширилади.

Давлат вакили акциядорлик жамиятининг уставига белгиланган кузатув кенгаши таркибига лавозимига кўра киради.

6. Унга нисбатан «олтин акция» жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорлик жамияти:

жамиятнинг уставига тегишли маълумотларни киритган ҳолда уни қайта рўйхатдан ўтказиш, «олтин акция»дан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда эса жамият уставидан ушбу маълумотларни чиқариб ташлайди;

илгари жамият уставига белгиланган кузатув кенгаши таркиби аъзолари сонини кўпайтиради;

акциядорлар реестрига «олтин акция» эгаси бўлган давлат вакилини киритади.

7. Давлат айни бир пайтда «олтин акция»га ҳамда акциядорлик жамиятининг 25 фоиздан ортиқ бўлмаган оддий акцияларига эгалик қилган тақдирда давлат вакили «олтин акция» эгаси бўлган давлат ваколатларини амалга ошириш билан бир қаторда давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини ҳам бажаради.

Бунда давлат вакили акциядорлар реестрига икки марта — «олтин акция»дан

фойдаланиш бўйича давлат вакили ҳамда тегишли давлат активларининг ишончли бошқарувчиси сифатида киритилади.

Давлат вакили давлат активларининг ишончли бошқарувчиси ваколатларини давлат активларини ишончли бошқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бажаради.

## II. Давлат вакилини тайинлаш тартиби

8. Давлат вакили Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси томонидан тайинланади.

9. Давлат вакилини тайинлаш учун номзодлар бўйича таклиф Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан киритилади.

10. Давлат вакили уч йил муддатга тайинланади.

## III. Давлат вакилининг ваколатлари ва уларни амалга ошириш тартиби

11. Давлат вакилига акциядорлик жамияти уставида белгиланган тартиб-қоидага мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишлари ва кузатув кенгаши мажлислари ўтказилиши тўғрисида ёзма хабарнома, уларда қўриб чиқиш учун киритилаётган материаллар нусхалари, акциядорлик жамияти фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотлар, шу жумладан акциядорлик жамиятининг тижорат сири бўлган ахборотлар мажбурий тартибда тақдим этилади.

12. Давлат вакили:

акциядорлик жамиятининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки акциядорлик жамиятининг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдорини ўзгартириш;

акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий йўналишларини ўзгартириш;

акциядорлик жамияти томонидан йирик битимлар тузиш ҳамда манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар тузиш;

акциядорлик жамиятининг бошқа хўжалик жамиятларида иштирок этиши;

акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралик ва узил-кесил тугатиш балансларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар бўйича «вето» қўйиш ҳуқуқи билан, акциядорлар умумий йиғилишида ва кузатув кенгаши мажлисларида мажбурий тартибда иштирок этади.

Акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат вакили томонидан «вето» қўйилган қарорлари ижро этилмайди.

13. Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши томонидан мазкур Низомнинг 12-бандида кўрсатилганлардан ташқари бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилинишида давлат вакили овоз беришда қатнашмайди, у айна бир вақтда акциядорлик жамиятининг оддий акциялари давлат пакетини бошқарган ҳоллар бундан мустасно.

14. Давлат вакили ўз ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги таклифлари ҳисобга олинган ҳолда тайёрланган ёзма кўрсатмалари асосида амалга оширади.

15. Давлат вакили кузатув кенгаши мажлиси ёки акциядорлар умумий йиғи-

лиши ўтказилиши санасигача камида 15 кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига кузатув кенгаши мажлиси ва акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан зарурат бўлганда «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишга доир таклифни юборади.

Ахборотга кўриб чиқиладиган масалалар бўйича давлат вакилининг нуқтаи назари асосли баён қилинган тушунтириш хати илова қилинади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат вакилидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб икки кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Давлат мулки қўмитасидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб 3 кун мобайнида Давлат мулки қўмитасига «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўзининг аниқ нуқтаи назарини ёзма шаклда тақдим этади.

17. «Вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ёки Молия вазирлиги ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлган тақдирда Давлат мулки қўмитаси келишилган қарор қабул қилиниши учун кўрсатиб ўтилган вазирликларнинг вакиллари ва давлат вакили иштирокида келишув кенгаши ўтказилади.

Агар келишув қарори ишлаб чиқилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси зарур материалларни, шу жумладан келишмовчиликлар рўйхати ва томонларнинг нуқтаи назарлари асосномаси билан биргаликда келишув кенгаши протоколини Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссиясига тақдим этади. Комиссия белгиланган тартибда узил-кесил қарор қабул қилади.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат вакилидан тегишли ҳужжатлар олинган санадан бошлаб 15 кундан кечикмай қабул қилинган қарор тўғрисида давлат вакилига «вето» қўйиш ҳуқуқидан фойдаланишга нисбатан аниқ ёзма кўрсатмаларни юборади.

#### IV. Давлат вакилининг мажбуриятлари

19. Давлат вакили қуйидагиларга мажбур:

ўз ваколатларини Давлат мулки қўмитасидан олинган кўрсатмаларга қатъий мувофиқ равишда амалга ошириш;

ўзига юкланган ваколатларни амалга ошириш пайтида ўзига маълум бўлган маълумотларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик ва улардан давлатнинг, акциядорлик жамиятининг ва унинг акциядорларининг манфаатларига зид бўлган мақсадларда фойдаланмаслик;

Давлат мулки қўмитасига ўз ваколатларини амалга ошириш бўйича ўзи олган ҳар бир кўрсатманинг бажарилиши натижалари тўғрисида ёзма ахборот тақдим этиш.

20. Давлат активларини ишончли бошқариш ваколатлари айтилган бир вақтда бажарилган тақдирда давлат вакили Давлат мулки қўмитасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ваколатларнинг бажарилиши тўғрисида алоҳида ҳисоботлар тақдим этади.

#### **V. Давлат вакилини тақдирлаш ва унинг фаолиятини назорат қилиш**

21. Давлат вакили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ давлат маблағлари ҳисобига ҳар йиллик тақдирлаш пули олади.

22. Давлат вакили акциядорлик жамиятидан қўшимча тақдирлаш пули олишга ҳақли эмас, давлат активларини ишончли бошқариш ваколатлари айни бир вақтда бажарилган ҳолат бундан мустасно.

23. Давлат вакили фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари корхоналари бўйича Давлат мулки қўмитаси томонидан тайёрланган умумлаштирувчи материаллар асосида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси томонидан амалга оширилади.

#### **VI. Яқунловчи қоидалар**

24. Давлат вакили ўзига юкланган ваколатлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси билан келишилган таклифи бўйича Акциядорлик бирлашмалари ва компанияларидаги акциялар давлат улушидан самарали фойдаланилиши устидан мониторинг олиб бориш комиссияси томонидан:

ўз вазифаларини бажармаганда ёки зарур тарзда бажармаганда;

узоқ вақт касал бўлиш, яшаш жойининг ўзгариши ёки бошқа сабаблар натижасида у ўз вазифаларини бундан кейин бажариши мумкин бўлмаганда озод қилинади.

25. Мазкур Низомда белгиланган талаблар бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**308 Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
18 июлда 1697-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 28 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган кундан ўн кундан кейин кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 июнь,  
17/2-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Марказий банки Бошқарувининг  
2007 йил 9 июндаги 17/2-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда  
кредитлар бериш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Микромолиялаш тўғрисида», «Ипотека тўғрисида», «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ПФ–3878-сон Фармонига мувофиқ, тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва молиявий истеъмол кредитлари бериш тартибини белгилайди.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом мақсадларида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ёш оила — ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради;

имтиёзли давр — кредит бўйича асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилган давр;

микрокредит — ёш оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бериладиган пул маблағлари;

ипотека кредити — ёш оилаларга сотиб олинаётган қўчмас мулкни гаровга олиш орқали уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун бериладиган кредит;

2. Кредитлар тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари асосида берилади.

3. Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга кредитлар қуйидаги имтиёзли шартлар асосида берилади:

оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун микрокредитлар бўйича фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда ўрнатилади;

ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари уч йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари бўйича олти ойлик имтиёзли давр белгиланади.

4. Имтиёзли давр ўрнатилган ҳолда берилган кредитлар асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади.

Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ этилмайди. Бунда фоизлар ёш оилага кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб борилади ва ойда бир марта ундирилади.

### **II. Ёш оилаларга микрокредитларни бериш ва қайтариш тартиби**

5. Ёш оилаларга микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилади:

юридик шахс мақомига эга бўлмаган оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун; микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун;

якка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун.

6. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга микрокредитларнинг берилиши, мониторинги ва қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонуни ва банкларнинг ички кредит сиёсатлари билан тартибга солинади.

7. Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга микрокредитларнинг берилиши, мониторинги ва қайта-

рилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида низом» билан тартибга солинади.

Бунда, банкнинг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан берилган микрокредитдан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ўрнатилади.

8. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга имтиёзли фоиз ставкалари бўйича микрокредитларнинг берилиши, мониторинги ва қайтарилиши «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»га (2006 йил 21 февраль, рўйхат рақами 1548) асосан тартибга солинади.

### **III. Уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби**

9. Ипотека кредитлари ёш оилаларга қуйидаги мақсадлар учун берилади:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган якка тартибдаги ва намунавий лойиҳа асосида, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда якка тартибда уй-жой қуришга ва реконструкция қилишга;

якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани сотиб олишга.

10. Тижорат банклари ёки бошқа кредит ташкилотлари томонидан ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида низом» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда) асосида, мазкур Низомда белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда тартибга солинади.

11. Ипотека кредитлари ёш оилаларга 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Бунда, ёш оилалар воситачилик ҳақини тўламасдан кредитни муддатидан олдин қайтариши ҳамда унга ҳисобланган фоизлар тўловини муддатидан олдин амалга ошириши мумкин.

12. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредити кредит ресурслари манбасидан қатъи назар, қуйидаги миқдорларда берилади:

якка тартибдаги уй-жойни қурилиши ва сотиб олиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;

якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек кўп квартиралли уйдаги квартирани сотиб олиш учун — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача.

13. Ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар ёш оила томонидан олинadиган уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредити учун дастлабки бадални банкка ўтказишлари мумкин.

Бунда, бадал суммаси ёш оила аъзоси (эри ёки хотини)нинг қайси бири номига ипотека кредити расмийлаштирилadиган бўлса, унинг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисобварағига иш берувчи томонидан ўтказилади.

#### IV. Ёш оилаларга молиявий истеъмол кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби

14. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга молиявий истеъмол кредитлари бериш, мониторинг қилиш ва қайтариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги Қонуни билан ушбу Низомда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

### 309 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
18 июлда 192-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 28 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига асосан ҳамда «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясининг 2003 йил 20 октябрдаги 32-сон буйруғини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 22 ноябрда 192-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси томонидан 1995 йил 9 ноябрда 117-сон билан тасдиқланган «Юридик ва жисмоний шахсларга нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун рухсатнома бериш тартиби» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик компанияси мазкур ҳужжатнинг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

**Ф. ОТАХОНОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 18 июль,  
132-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## **310** Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 977-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 28 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва уларнинг кўрсатаётган хизматлари сифати учун жавобгарлигини ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 155-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида»ги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2000 йил 25 сентябрдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомга (2000 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 977 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 19-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 15 июнь,  
65-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**311** Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 28 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3860-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 11-сон, 96-модда) ва 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3878-сон фармонларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 26, 2007-22-сон қарори билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (2007 йил 28 март, рўйхат рақами 1667 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 13-сон, 127-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 июль,  
70-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 июль,  
2007-41-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги  
70, 2007-41-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. VIII боб қўйидаги мазмундаги 30<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«30<sup>1</sup>. Ушбу Низомнинг 29 ва 30-бандларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқ солиш базаси қўйидагиларга камайтирилади:

а) ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун — беш йил давомида харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига, аммо солиқ солинадиган базанинг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда;

б) ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текинга берилган маблағлар суммасига, аммо солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда. Солиқ солиш базасини камайтиришга асос бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун ипотека кредитини олишга тижорат банки ёки бошқа кредит ташкилоти ва ёш оилалар тоифасига кирувчи ходим томонидан тузилган шартнома нусхаси;

ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадалларини тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин бериш тўғрисидаги юридик шахс — иш берувчи раҳбарининг буйруғи.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобига солиқ солиш базасини камайтирадиган сумма асосий фаолият тури бўйича солиқ солиш базасини камайтирувчи бутун корхона бўйича (барча фаолият турлари бўйича) солиқ солиш базасидан келиб чиқиб аниқланади.

2. 4, 5-сонли иловаларнинг 04-варағи 180-сатридаги «(150-сатр х 5%)» сўзлари «(140-сатр – 150-сатр) х 5%» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**312** Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)ги солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
18 июлда 1109-8-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 28 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сон фармонларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 19-20-сон, 192-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 39-сон, 387-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15, 2002-12-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1109 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5, 11-12, 19-сон; 2003 й., 4-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 10-сон, 122-модда; 2005 й., 5-6-сон, 45-модда; 2006 й., 18-сон, 153-модда; 2007 й., 13-сон, 122-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 июль,  
71-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 3 июль,  
2007-42-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
 ҚАРОРИ

**313** Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
 19 июлда 1698-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 29 июлдан кучга киради)*

— Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, таҳлил этиш ва улардан амалиётда фойдаланиш ҳамда ягона марказлашган ҳисобини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:** +

1. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Ички ишлар вазири**

Тошкент ш.,  
 2007 йил 8 июнь,  
 12-сон

**Б. МАТЛЮБОВ**

**Олий суд раиси**

Тошкент ш.,  
 2007 йил 8 июнь,  
 УМ-72-сон

**Б. МУСТАФОВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**Миллий хавфсизлик  
хизмати раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 июнь,  
92-сон

**Р. ИНОЯТОВ**

**Бош прокурор**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 июнь,  
68-сон

**Р. ҚОДИРОВ**

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 июнь,  
01-02/12-15-сон

**С. НОСИРОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2007 йил 8 июнь,  
2007-45-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

+

-

Ички ишлар вазирлиги, Олий суд,  
Миллий хавфсизлик хизмати, Бош  
прокуратура, Давлат божхона қўмитаси ва  
Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил  
8 июндаги 12, Ум-72, 92, 68, 01-02/12-15,  
2007-45-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи  
органлари томонидан республика ҳудудига товарларни  
ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш  
ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг  
ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига  
тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

#### **§ 1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъ-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

лумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, Давлат божхона хизмати, Давлат солиқ хизмати органлари ва жиноят ишлари бўйича судлари (кейинги ўринларда матнда ваколатли органлар деб юритилади) республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар (кейинги ўринларда матнда ҳуқуқбузарликлар деб юритилади) тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар Бошқармаларида тузилган махсус Ишчи гуруҳларига (кейинги ўринларда матнда Ишчи гуруҳ деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган тартибда тақдим этадилар.

3. Республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182, 186-1-моддалари ва ҳолат мазмунига кўра 188, 189-моддаларида кўрсатилган жиноят таркиби мавжуд ҳолатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 186, 227-моддалари ва ҳолат мазмунига кўра 164, 166, 168, 176-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд ҳолатлар киради.

4. Ваколатли органлар томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритилади.

## **§ 2. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этиш тартиби**

5. Ваколатли органлар аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида қонуний чора кўрганидан сўнг ёки қонуний чора кўриш учун ҳуқуқбузарликларга оид ҳужжатларни бошқа ваколатли органларга юборишда содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни Ишчи гуруҳга ушбу Низомда белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлайдилар.

6. Ваколатли органлар аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича ўз ваколатлари доирасида қонуний чора кўрганидан сўнг содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни ўн кунлик муддат ичида мазкур Низомнинг 1-иловасида берилган шаклдаги ҳисоб варақаларига киритади ва Ишчи гуруҳга тақдим этади.

7. Содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан қонуний чора кўриш учун ҳуқуқбузарликларга оид ҳужжатлар бошқа ваколатли органларга юборилган тақдирда ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотлар киритилган ҳисоб варақ юбориладиган ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

8. Ишчи гуруҳлар қабул қилиб олинган ҳисоб варақалардаги маълумотларни ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотлар қайд этиладиган компьютер ахборот-маълумотлар базасига (кейинги ўринларда матнда ахборот-маълумотлар базаси деб юритилади) киритади.

9. Ваколатли органлар томонидан юбориладиган ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар ҳисобининг тўғри юритилиши, уларни тақдим этиш тартибига риоя қили-

ниши бўйича ҳар чорақда ваколатли органлар ва Ишчи гуруҳлари ўртасида маълумотлар таққослови ўтказилади.

10. Ахборот-маълумотлар базасига киритилган ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар электрон шаклда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош Бошқармаси, вилоятлар ва Транспорт ички ишлар бошқармаларидаги Ахборот марказлари орқали ҳар куни Ички ишлар вазирлигининг Ахборот марказига узатилади.

11. Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази республика бўйича тўпланган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва уларни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритади.

12. Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасини ҳамда ахборот-маълумотлар базасини юритиш учун Ички ишлар вазирлигининг Компьютер маркази томонидан ишлаб чиқилган компьютер дастури Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази ҳамда Ишчи гуруҳлардаги махсус ажратилган компьютерларга ўрнатилади.

Ишчи гуруҳларнинг Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази билан ўзаро электрон алоқаси ва ушбу алоқанинг узлуксиз бўлиши Ички ишлар вазирлигининг Компьютер маркази томонидан таъминланади.

### **§ 3. Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш тартиби**

13. Ички ишлар вазирлигининг Ахборот маркази Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасига киритилган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларнинг ҳисобини юритади ва улардан фойдаланишни таъминлайди.

14. Ваколатли органлар мазкур Низомнинг 2-иловасида берилган шаклидаги талабнома орқали шахснинг муқаддам худди шу турдаги ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш мақсадида Ишчи гуруҳларга мурожаат қилади.

15. Ишчи гуруҳ талабномани олган кундан бошлаб 3 кунлик муддат ичида ҳуқуқбузарликни содир этган шахс ҳақида маълумотни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базаси орқали текширади ва натижасини Низомнинг 3-иловасида берилган шаклда ваколатли органга юборади.

16. Ваколатли органлар Ишчи гуруҳдан олган маълумотлар асосида ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қиладилар.

Ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиш масаласини улар ҳақидаги маълумотларни Ягона марказлашган компьютер ахборот-маълумотлар базасидан текширмасдан туриб ҳал этишга йўл қўйилмайди.

### **§ 4. Масъулият ва жавобгарлик**

17. Ушбу Низом талабларига қатъий риоя қилиниши ва уларни тўлиқ бажарилиши учун ваколатли органларнинг мансабдор шахслари масъулдилар.

18. Ҳар бир ваколатли орган томонидан тақдим этилаётган ҳисоб варақларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва белгиланган муддатларда Ишчи гуруҳларга тақдим этилиши устидан назорат ваколатли органнинг раҳбари зиммасига юклатилади.

19. Мазкур Низом талабларини бажармаган ёки белгиланган муддатларда бажармаган ваколатли органларнинг мансабдор шахслари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудуди-га товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва олиб чиқилиши ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга юритилган  
ҲИСОБ ВАРАҚАСИ**

<b>Фамилияси, исми ва отасининг исми</b>	
<b>Туғилган куни, оyi ва йили</b>	
<b>Туғилган жойи</b>	
<b>Яшаш манзили</b>	
<b>Миллати</b>	
<b>Маълумоти</b>	
<b>Иш жойи</b>	
<b>Лавозими</b>	
<b>Иш жойи манзили</b>	
<b>Уй ва хизмат телефони рақами</b>	
<b>Паспорт серияси, рақами, Берилган жойи ва санаси</b>	

**Ҳуқуқбузарлик тури (тегишли модда тагига чизилади)**

<b>Жиноий</b>	<b>модда</b>	<b>Маъмурий</b>	<b>модда</b>
Божхона қонунларини бузиш	182	Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш	164
Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш	186-1	Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш марказини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш	166
Савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шугулланиш	188	Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш	168
Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш	189	Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тартибини бузиш	176
Бошқаси		Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши	186
		Божхона қонунларини бузиш Бошқаси	227

+

1-Илованинг орқа томони

Хуқуқбузар қуйидаги жиноий, маъмурий модда бўйича илгари махсус ҳисобга олинган:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

Хуқуқбузарлик тўғрисида маълумот

№	Хуқуқбузарлик содир этилган кун, баённома рақами	Хуқуқбузарлик фабуласи	Ким томондан кўриб чиқилган, кўрилган чоралар, суд қарорларини юқори инстанция судлари томонидан бекор қилиниши ҳамда судни қарори қонуний кучга кирган сана	Олинган товар			Маълумотни тақдим этган ходим (Ф.И.О)
				тури	миқдори	қиймати	

Транспорт воситаси			
русуми	давлат белгиси	Хайдовчи (Ф.И.О)	Эгаси (Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудида товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга

2-ИЛОВА

<b>ТАЛАБНОМА</b>	
<p>Шахсни республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун муқаддам жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш ҳақида</p>	
<i>(талабнома қаерга юборилган)</i>	
1. Фамилияси	_____
2. Исми	_____
3. Отасининг исми	_____
4. Туғилган куни, оyi ва йили	_____
5. Туғилган жойи	_____
6. Яшаш жойи	_____
7. Текширувдан мақсад	_____
8. Бошлиқ	_____
<i>(Ф.И.О., лавозими., имзоси)</i>	
Юборувчининг манзили:	
Туман, шаҳар	_____
Вилоят	_____
Орган номи	_____
<i>(талабномани юборган органнинг номи)</i>	

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига тақдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга

З-ИЛОВА

<p>Шахсни республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун муқаддам жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлигини аниқлаш юзасидан текширув натижаси бўйича</p>	
<b>МАЪЛУМОТ</b>	
Масъул шахснинг фамилияси, имзоси	_____
(муҳр)	Сана _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**314** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3880-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 23 июлда 1699-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 2 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йил 26 октябрдаги М-1 ва 93-сонли, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» (2006 йил 27 октябрь, рўйхат рақами 1632 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 41-сон, 410-модда) 2007 йил 1 августдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 июль,  
М-37-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 19 июль,  
74-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг  
2007 йил 19 июлдаги М-37, 74-сонли  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги  
ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи,  
пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини  
ошириш тўғрисида»ги Фармони асосида пенсияларни қайта  
ҳисоблаш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига биноан пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 августидан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

а) энг кам иш ҳақи — ойига 15525 сўм;

б) ёшга доир пенсиялар — ойига 30750 сўм;

в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 30750 сўм;

г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 18625 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади ( $15525 \text{ сўм} \times 7 = 108675 \text{ сўм}$ ).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, иловага мувофиқ йиллар бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пензионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (15525 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 30750 сўм, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 15375 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 15525 сўмдан 55909 сўм 9 тийингача (III-гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 51250 сўм) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори

ойига 30750 сўм миқдорда, III-гурӯх ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 15375 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II-гурӯх ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гурӯх ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсиялар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қўйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг етти хиссаси билан чегараланади (108675 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (15525 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли  
«2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш  
ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий  
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги  
Фармони асосида пенсияларни қайта  
ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномага  
ИЛОВА

**Пенсиялар қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш  
ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган  
ТУЗАТУВЧИ КОЭФФИЦИЕНТЛАР**

Даврлар	Коэфф.	Даврлар	Коэфф.
1971 йилга қадар	<b>647,3225</b>	1994 йил 1 январдан	<b>0,8025</b>
1971 йил	<b>630,8525</b>	1994 йил 1 мартдан	<b>0,4813</b>
1972 йил	<b>615,1825</b>	1994 йил 1 июндан	<b>0,3213</b>
1973 йил	<b>595,5050</b>	1994 йил 1 июлдан	<b>318,0738</b>
1974 йил	<b>555,5575</b>	1994 йил 1 августдан	<b>260,7475</b>
1975 йил	<b>543,3663</b>	1994 йил сентябрдан	<b>226,6825</b>
1976 йил	<b>531,7075</b>	1994 йил 1 ноябрдан	<b>175,8825</b>
1977 йил	<b>516,9500</b>	1995 йил 1 январдан	<b>175,8825</b>
1978 йил	<b>499,5688</b>	1995 йил 1 мартдан	<b>89,0363</b>
1979 йил	<b>489,7300</b>	1995 йил 1 сентябрдан	<b>68,5563</b>
1980 йил	<b>477,1638</b>	1996 йил 1 январдан	<b>68,5563</b>
1981 йил	<b>468,1800</b>	1996 йил 1 апрелдан	<b>50,9625</b>
1982 йил	<b>468,1263</b>	1996 йил 1 сентябрдан	<b>35,5625</b>
1983 йил	<b>459,5163</b>	1997 йил 1 январдан	<b>35,5625</b>
1984 йил	<b>459,4638</b>	1997 йил 1 июлдан	<b>24,7600</b>
1985 йил	<b>453,9013</b>	1998 йил 1 январдан	<b>24,7600</b>
1986 йил	<b>448,4475</b>	1998 йил 1 июлдан	<b>18,0225</b>
1987 йил	<b>437,8588</b>	1999 йил 1 январдан	<b>14,7600</b>
1988 йил	<b>409,0350</b>	1999 йил 1 августдан	<b>11,4975</b>
1989 йил	<b>383,6875</b>	2000 йил 1 августдан	<b>7,4875</b>

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Даврлар	Коэфф.
1990 йил	346,2550
1991 йил	238,9288
1992 йил 1 январдан	70,6425
1992 йил 1 июлдан	33,0475
1992 йил 1 октябрдан	15,8838
1993 йил 1 январдан	11,7125
1993 йил 1 апрелдан	8,3975
1993 йил 1 июндан	3,5838
1993 йил 1 июлдан	2,3013
1993 йил 1 сентябрдан	1,7650
1993 йил 1 ноябрдан	1,0713

Даврлар	Коэфф.
2001 йил 1 августдан	5,3488
2002 йил 1 апрелдан	4,6513
2002 йил 1 августдан	4,0438
2003 йил 1 майдан	3,3700
2004 йил 1 августдан	2,5925
2005 йил 1 майдан	2,1600
2005 йил 1 октябрдан	1,8000
2006 йил 1 июлдан	1,5000
2006 йил 1 ноябрдан	1,2500
2007 йил 1 августдан	1,0000

+

-

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2007 йил 14 июлдан 27 июлгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сонли қарори.*

*2007 йил 18 июлда 1697-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).*

2. «Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2007 йил 15 июндаги 65-сонли буйруғи.*

*2007 йил 18 июлда 977-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).*

3. «Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 70, 2007-41-сонли қарори*

*2007 йил 18 июлда 1667-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).*

4. «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 3 июлдаги 71, 2007-42-сонли қарори*

*2007 йил 18 июлда 1109-8-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).*

5. «Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан республика ҳудудига товарларни ноқонуний равишда четдан олиб келиш, четга олиб чиқиш ҳамда этил спирти, алкогольли ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ички ишлар идораларига такдим этиш ва ягона марказлашган ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 8 июндаги 12, Ум-72, 92, 68, 01-02/12-15, 2007-45-сонли қарори.*

*2007 йил 19 июлда 1698-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 июлдан кучга киради).*

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сонли «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2007 йил 19 июлдаги М-37, 74-сонли қарори*

*2007 йил 23 июлда 1699-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 2 августдан кучга киради).*

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Юридик ва жисмоний шахсларга нон ва нон маҳсулотларини пишириш учун рухсатнома бериш тартиби. «Ўздонмаҳсулот» ДАК томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 192, 22.11.1995 й).

*Адлия вазирининг 2007 йил 18 июлдаги 132-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 18 июлдаги 192-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 28 июлдан кучга киради).*

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 октябрдаги ПФ–3808-сонли «2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1632, 27.10.2006 й).*

*Адлия вазирининг 2007 йил 23 июлдаги 137-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

-

+